



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G'I

20~~20~~ yil “~~08.09~~

№~~236~~

Toshkent sh.

Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6035-сонли фармони, 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли ва 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлако янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4666-сонли карорлари ва ижросини таъминлаш максадида ҳамда олий тиббий таълим тизимининг 2020/2021 ўкув йилидан кредит-модул ўқитиш тизимига ўтилиши муносабати билан буюраман:

1. Қуйидагилар:

тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида кредит-модул ўқитиш тизимини жорий этиш тўғрисида Низом 1-иловага;

кредит-модул ўқитиш тизими бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахassisliklarinинг ўқув режалари 2-иловага;

кредит-модул ўқитиш тизими бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахassisliklarinинг малака талаблари 3-иловага;

кредит-модул ўқитиш тизими бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахassisliklarinинг малака тавсифномалари 4-иловага;

кредит-модул ўқитиш тизими бўйича тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишларининг 1-курс модул дастурлари 5-иловага;

кредит-модул ўқитиш тизими бўйича тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари магистратура мутахassisliklarinинг модул дастурлари 6-иловага;

кредит-модул ўқитиши тизими бўйича тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишларининг 1-курс малакавий амалиёт модул дастурлари 7-иловага;

Биотиббиёт муҳандислиги бакалавриат таълим йўналишининг 2-4 курс ўкув дастурлари 8-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Фан ва таълим бош бошкармаси бошлиғи (Ў. Исмаилов), Тиббий таълимни ривожлантириш маркази директори (Н. Янгиева), тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари, филиаллар директорларига тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта маҳсус таълимига оид тасдиқланган барча меъёрий хужжатлар 2020/2021 ўкув йилидан бакалавриат ва магистратуранинг 1-курс талабалари учун жорий этилсан.

3. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиши вазир ўринбосари У. Сабиров зиммасига юклансин.

Вазир в.б.



А. Хаджибаев

Ўзбекистон Республикаси
соғликини саклаш вазирининг
20 декабрь 2019 даги
336-сон буйругига
ИЛОЗА

**Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида
кредит-модул ўқитиш тизимини жорий этиш тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 769-сонли “Тиббиёт кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган ҳамда тиббиёт ва фармацевтика соҳасининг таълим муассасаларида ўқув жараёнини модулли таълим тизимида ташкил этиш, ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари таълим олувчилари билимини назорат қилиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари ўқувчилари, олий таълим муассасалари бакалавриат ва магистратура талabalari, бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида тингловчилари ҳамда клиник ординатор (резидент)лар (бундан буён матнда “таълим олувчилар” деб юритилади) билимини назорат қилиш ва баҳоланинг мақсади — юкори малакали, рақобатбардон, согликни сақланинг замонавий ҳалқаро стандартларга жавоб бера оладиган тиббиёт кадрларни тайёрлаш ҳамда таълим олувчиларда мустақил таълим олиш, таълим сифатини бошқарган ҳолда тиббиётнинг тегишли соҳаларида амалий кўнижмаларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш, талabalарнинг модулларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишининг олдини олиш, уларни аниклаш ва бартараф этишдан иборат.

Тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасаларида кредит-модулли ўқитиш тизимини жорий этиш тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) тиббиёт ва фармацевтика таълим жараёнига кредит-модул тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва мутахассисларни амалий жиҳатдан тайёрлашни такомиллаштириш орқали олий, ўрта маҳсус профессионал, олий ва ўрта маҳсус профессионал таълимдан кейинги таълимнинг устувор йўналишларини белгилаб беради.

2. Ушбу Низом тиббиёт соҳасидаги ўрта маҳсус профессионал, бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура ва клиник ординатура

(резидентура), бирламчи мақсадли ихтисослаштириш мутахассисликлариға нисбатан қўлланилади.

Таълим олувчилар тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасалари педагоглари томонидан биринчи машғулотда мазкур Низом талаблари билан таништирилиши шарт.

3. Низом тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасаларининг кредит-модул тизимини жорий этиш фаолиятини тартибга солади.

4. Таълим олувчилар билимини баҳолашда ишлаб чиқариш (малака) амалиёти, курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий иши, интеграциялашган клиник(маҳсус) ва клиник-олди(умумкасбий) имтиҳони, битирувчиларнинг (модуллараро) давлат имтиҳони (якуний давлат аттестацияси), шунингдек, магистратура босқичида илмий-тадқикот ва илмий-педагогик ишлар ҳамда магистрлик диссертацияси бўйича мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонлари қўлланилади.

5. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

модул - бу алоҳида индивидуал ўқув фани, ўзида билимга эгалик қилини ва касбий жиҳатларни қамраб олган бўлиб, таълим олувчиларнинг ўқув дастурини ўзлаштириш натижасида шаклланган билим, кўникма ва компетенцияларни назорат қилишининг тегишли тури билан якунланиши керак;

кредит - бу таълим олувчи томонидан ўқув режаси бажарилишининг кўрсаткичи бўлиб, тегишли ўқув ишларини (модул хусусияти ва бўлажак мутахассисни шакллантириш учун ўқув ишларининг муҳимлигидан келиб чиқиб таълим муассасаси томонидан белгиланадиган) бажаришга кетадиган вақт (соатлар)дан ташкил топади. Ҳар бир модул мустақил кредитга эга бўлади;

кредит-модул ўқитиши тизими - ҳар бир ўқув модули таркибиши тузишга асосланган модулнинг ўқув натижалари ва якуний назоратни кузатиб бориш орқали таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини мунтазам равишда баҳолаб борувчи ўқув дастурини ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш тизими;

кредит-модул ўқитиши тизими маъруза, назарий, амалий, семинар, лаборатория машғулотлари, ўқув амалиёти, клиник ўқув амалиётлар, курс лойиҳаси (иши), шунингдек таълим олувчиларнинг мустақил машғулотлари бўйича ҳафталик соат юкламаси ва таълим олувчиларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини акс эттиради. Таълим олувчилар томонидан барча мажбурий фаолият турлари бажарилгандан ва улар баҳолангандан сўнг кредитларни тўғлаш мумкин.

кредит бирликлари тизими - бу кредит дастурларини унинг таркибий қисмлариға (модуллар, модуллар блоклари, курслар ва бошқалар) бириктириш орқали таълим дастурларини тавсифлашнинг тизимли усули. Кредитнинг таърифи таълим олувчиларнинг ўқув модулини ўзлаштиришда педагог билан боғланиш вакти, уни ўқитиши натижалари, билим, кўникма ва компетенцияларига асосланади.

2-боб. Ўқув жараёнини кредит-модул ўқитиш тизими шаронтида ташкил этиш

6. Кредит-модул ўқитиш тизими ўқув жараёнининг куйидаги шаклларидан иборат:

аудитория машғулотлари - маъруза, назарий, амалий, семинар, лаборатория машғулотлари, ўқув(клиник) амалиёти;

аудиториядан ташқари машғулотлар - илмий кутубхонада ишлаш, мустақил ишлар, индивидуал маслаҳатлар, клиник вазифалар, ишлаб чиқариш (малака) амалиёти, курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий иши,таълим олувчиликар илмий анжуманларда қатнашиши,магистратура мутахассисликларида илмий фаолият турлари ва х.к;

7. Модуллар куйидагилар орқали амалга оширилади:

кредит бирликларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режадаги ҳар бир модули учун дастурлар;

ҳар бир модулнинг аудитория иши: маърузаларнинг матн ва презентациялари, назарий, амалий, семинар ва лаборатория машғулот режалари, мультимедия билан таъминлаш, амалий кўнигмаларни ва компетенцияларни ўзлаштириши учун жиҳоз ва симуляторлар (тренажёрлар);

таълим олувчиларнинг мустақил ишлаши: уй вазифаси учун матнлар тўплами, ҳар бир модул учун ўз-ўзини назорат қилиш материаллари, реферат ва курс иши (лойиҳа)лари мавзулари, электрон кутубхона, видеотека (видео кутубхона), амалий кўнигмалар ва компетенцияларни ўзлаштириши учун жиҳоз ва симуляторлар (тренажёрлар);

таълим олувчилар билимини назорат қилиш: тестлар, ҳар бир модул учун назорат саволлари, жумладан, объектив тизимлаштирилган клиник имтиҳон (OSCE), объектив тизимлаштирилган имтиҳон (OSE) ва бошқалар учун топшириклар;

амалиёт ўтказиш: ташкилот (муассаса)лар билан шартномалар тузиш, ўқув

ва ишлаб чиқариш (малака) амалиёти, курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишини ўтказиш режалари ва дастурлари, ҳисбот хужжатлари шакллари ва бошқалар.

магистратура мутахассисликларида илмий фаолият юритиш: илмий-тадқиқот иши, илмий амалиёт ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш учун мавзу ва материаллар, ҳисбот хужжатлари шакллари ва бошқалар.

8. Ўқув режасидаги барча турдаги ўқув ишларининг **юкламалари** кредитлар (кредит бирликлари)да белгиланади.**1 кредит (кредит бирлиги)** таълим йўналиши, мутахассислик хусусиятларини инобатга олган ҳолда Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади, **камида 30 ва 36 гача академик соатга** тенг белгиланиши мумкин.

Дастурларнинг юкламалари куйидагилардан иборат:

ўрта махсус профессионал таълим йўналишларида камидан 60 кредит бир ўкув йили давомида таълим олувчининг тўлиқ юкламасига, камидан 30 кредит эса бир ўкув семестрига тўғри келади;

бакалавриат таълим йўналишларида камидан 60 кредит бир ўкув йили давомида таълим олувчининг тўлиқ юкламасига, камидан 30 кредит эса бир ўкув семестрига тўғри келади;

магистратурада камидан 72 кредит бир ўкув йили давомида таълим олувчининг тўлиқ юкламасига, камидан 36 кредит эса бир ўкув семестрига тўғри келади;

клиник ординатура (резидентура) ва бирламчи мақсадли ихтисослаштиришда – камидан 72 кредит бир ўкув йили давомида таълим олувчининг тўлиқ юкламасига, камидан 36 кредит эса бир ўкув семестрига тўғри келади.

Бир кредит бирлиги умумий иш ҳажми давомийлиги 45 дақика, 30-36 академик (ёки 22,5-27 астрономик) соатга мувофиқ келади.

Таълим олувчининг ҳафталик ўкув юкламасининг максимал ҳажми 45-54 академик соатни, яъни 1,5 кредит бирлигини ташкил этади.

Модул ўкув юкламасини кредит бирликларида ҳисоблаш ўрнатилган тартиб бўйича унинг иш ҳажмини 30-36 академик соатга бўлишдан келиб чиқиб, у 0,5 гача яхлитлаш орқали амалга оширилади. Модул бўйича синов ва курс лойиҳалари (ишлари)нинг иш ҳажми модулнинг кредит бирлигига умумий ўкув юкламаси таркибига киради.

Ишлаб чиқариш (малака) амалиётнинг 1 ҳафтаси 1,5-4,0 кредит бирлигига ифодаланади. Таълим йўналиши ва мутахассислик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш (малака) амалиёти модулини тўлиқ амалга ошириш мақсадида ҳафталар сони кўнайтирилиши мумкин.

Семестр бўйича бир имтиҳон 1 кредит бирлиги (3 кунгача тайёргарлик кўриш

ва 1 кун имтиҳон топшириш)да ифодаланади.

Магистратура ва клиник ординатура (резидентура)да, бирламчи мақсадли ихтисослаштиришда семестр якуни бўйича аттестация (ярим йиллик, йиллик) ўтказилади.

Давлат таълим стандарти, мутахассислик бўйича тиббиёт кадрларни клиник ординатура (резидентура)да ва бирламчи мақсадли ихтисослаштиришда қайта тайёрлаш касбий тайёргарлик даражасига кўйилган талабларга мувофиқ амалга оширилаётган асосий таълим дастурлари учун модулнинг соатдаги ўкув юкламасига оралик аттестациялар иш ҳажми киритилган, модулнинг кредит бирлигига ўкув юкламасини ҳисоблаш учун унинг иш ҳажмини академик соатларда ўрнатилган қоидалар бўйича камидан 30 ва 36 гача бўлиш ва 0,5 гача яхлитлаш орқали амалга оширилади.

Мазкур услугга таяниб, кредит бирликлари сонини ягона ҳисоблаш методологиясидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш мумкин: 1 кредит бирлиги = 22,5-27 астрономик соатга = давомийлиги 45 дақикали

30-36 академик соатға; 1 хафта (амалиёт ёки бошқа ўқув ишлари) = 45-54 академик соатга = 1,5 кредит бирлигига.

Назоратларга кредит бирлиги модулга берилған кредит бирлиги хисобидан ажратиласы.

9. Кредитлар сони таълим олувчиларнинг умумий юкламаси, жумладан ўқув юкламалари (маърузалар, семинарлар, назарий ва амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, ўқув ёки ўқув клиник амалиёт ва бошқалар), мустақил ишлар, билимларни синовдан ўтказишнинг барча турлари, амалиёт ва битириувчиларининг давлат имтиҳонларини дастлабки аккредитация билан ўтказиши (якуний давлат аттестацияси)нинг барча турларини қамраб олади.

10. Олий таълим муассасаларида кредитларда (кредит бирлиги) хисобланмайдиган “Харбий тиббий тайёргарлик” модулидан ташкари, 5510800 – Харбий тиббиёт (даволаш иши)нинг асосий йўналиш ва мутахассисликлари мустасно тарзида кредитлар ўқув дастурига киритилган ҳар бир модулга ажратиласы.

11. Ўқув йилида аудитория машғулотлар 28-40 ҳафтани ташкил этади. Ўқув семестри 12-20 ҳафтани ташкил этади.

12. Таълим мазмунини ўзлаштиришнинг мажбурийлик ва кетма-кетлик даражасига кўра, таълим йўналиш (мутахассислик)лари бўйича намунавий ўқув режасига қуйидагилар киради:

Даволаш фаолияти билан боғлиқ ўрта маҳсус профессиоал таълим йўналишлари учун:

гуманитар ва ижтимоий-иктисодий модуллар блоки;
умумкасбий модуллар блоки;
клиник модуллар блоки;
электив модуллар (1-, 2-, 3- блок модуллари учун, худудий компонент) блоки.

Даволаш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ўрта маҳсус профессиоал таълим йўналишлари учун:

гуманитар ва ижтимоий-иктисодий модуллар блоки;
умумкасбий модуллар блоки;
маҳсус модуллар блоки;
электив модуллар (1-, 2-, 3- блок модуллари учун, худудий компонент) блоки.

Даволаш фаолияти билан боғлиқ бакалавриат таълим йўналишлари учун:

гуманитар ва ижтимоий-иктисодий модуллар блоки;
клиника олдимодуллар блоки;
клиник модуллар блоки;
электив модуллар (1-, 2-, 3- блок модуллари учун, худудий компонент) блоки.

Даволаш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бакалавриат таълим йўналишлари учун:

гуманитар ва ижтимоий-иктисодий модуллар блоки;
умумкасбий модуллар блоки;

максус модуллар блоки;
электив модуллар (1-, 2-, 3- блок модуллари учун, худудий компонент) блоки.

Магистратура мутахассисликлари учун:

умумметодологик модуллар блоки;
мутахассислик модуллар блоки;
танлов модуллар блоки;
илемий фаолият модуллар блоки.

Клиник ординатура (резидентура) мутахассисликлари учун:

умумметодологик ва номутахассис ёндош модуллар блоки;
мутахассислик модуллар блоки;
ёндош мутахассислик модуллар блоки;
күшимча модуллар блоки;
аттестация.

Бирламчи мақсадлы ихтисослаштириш учун:

Асосий мутахассислик: шу жумладан,
мутахассислик модуллар блоки;
ёндош (клиник) мутахассисликлар модуллари ва модуллар блоки;
Аттестация.

13. Таълим олувчи белгиланган тартибда таълим олувчилар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизими воситасида ва таълим муассасаси биноларининг электрон эълон тахталарида жойлаштирилган эълонлардан жорий, оралиқ ва якуний назорат иш натижаларини мустакил равишда билиб боришига мажбурдир.

14. Таълим олувчининг ижтимоий ҳусусиятларини баҳолаш уларнинг масъулияти ва ташкилийлигини ошириш, зарур билимларни чукур ва ҳар томонлама ўзлаштиришга туртки бериш, шунингдек, тизимли иш кўникмалари ва компетенцияларни шакллантириш мақсадида амалга ошириладиган ўкув жараёнининг ажралмас кисми сифатида қаралади.

Таълим олувчиларнинг шахсий ижтимоий ҳусусиятларини баҳолаш педагог томонидан семестрда бир марта амалга оширилади.

15. Кредитлар тўплами ва таълим олувчиларни ўқитишнинг индивидуал йўналишларини ташкил қилиш:

ўрта максус профессионал таълим дипломини олиш учун таълим олувчи йўналишига ва ўқиши муддатига мувофиқ камидан 180 гача кредит тўйлаши керак;

бакалавр дипломини олиш учун бакалавриат талабаси таълим йўналишига ва ўқиши муддатига мувофиқ камидан 360 гача кредит тўйлаши керак;

магистр дипломини олиш учун магистратура мутахассислигига ўқиши муддатига мувофиқ камидан 144 дан кам бўлмаган кредит тўйлаши керак;

клиник ординатор (резидент) гувоҳномасини олиш учун мутахассислигига ўқиши муддатига мувофиқ камидан 72 дан кам бўлмаган кредит тўйлаши керак;

бирламчи мақсадли ихтисослаштириш сертификатини олиш учун 72 дан кам бўлмаган кредит тўплаши керак.

16. Кредитлар сони таълим олувчиларнинг умумий юкламаси, жумладан ўкув юкламалари (маърузалар, семинарлар, назарий ва амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, ўкув ёки ўкув клиник амалиёт, магистрлик диссертация ва бошқалар), мустақил ишлар, билимларни синовдан ўтказишнинг барча турлари, ишлаб чикариш (малака) амалиёти ва битиувчиларнинг давлат имтиҳонларини дастлабки аккредитация билан ўтказиш (яқуний давлат аттестацияси)нинг барча турларини қамраб олади.

3-боб. Таълим олувчилар билиминиң баҳолашнинг умумий қоидалари

17. Тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасаларида таълим олувчилар билимини назорат килиш ва баҳолашнинг мақсади - юқори малакали, рақобатбардош, замонавий халқаро стандартларга жавоб бера оладиган тиббий (фармацевт) кадрларни тайёрлаш ҳамда таълим олувчиларда мустақил таълим олиш, таълим сифатини бошқарган ҳолда тиббиётнинг тегишли соҳаларида билим ва кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

18. Таълим олувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

таълим олувчиларда давлат таълим стандартлари, мутахассислик бўйича тиббиёт кадрларни клиник ординатура (резидентура), бирламчи мақсадли ихтисослаштиришда қайта тайёрлаш касбий тайёргарлик даражасига қўйилган талабларга мувофиқ тегишли билим, кўникма, компетенция ва малакалар шаклланганлик даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

таълим олувчилар билими, кўникма, компетенция ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: давлат таълим стандартлари, мутахассислик бўйича тиббиёт кадрларни клиник ординатура (резидентура), бирламчи мақсадли ихтисослаштиришда қайта тайёрлаш касбий тайёргарлик даражасига қўйилган талабларга асосланганлик, аниклик, ҳакқонийлик, ишончлилик, билимларни баҳолашда шаффофликни таъминлаш;

ўкув материалининг таълим олувчилар томонидан тизимли равишда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

таълим олувчиларда мустақил инилаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш;

таълим олувчилар билимини ҳолис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини ўз вактида маълум қилиш;

таълим олувчиларнинг ўкув режаси доирасида комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ўкув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга (ракамлаштиришга) шароит яратиш.

19. Таълим муассасаларининг ўкув ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари (проректор, филиал директори ўринбосарлари ва ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари директорларнинг ўкув ишлари бўйича

ўринбосарлари) тегишли кафедра (бўлим, лаборатория ва х.к.) мудирлари билан келишилган ҳолда ҳар бир модул бўйича модул раҳбарини, яъни алоҳида модулни ўқитишининг сифати, ўкув материалини шакллантириш, шунингдек, барча турдаги назорат саволларини тузиш, таълим олувчилар билимини текширишда ягона стандартларни таъминлашга масъул бўлган педагог ходимларни белгилайди.

Кредит-модулли таълим тизими бўйича таълим олувчилар билимини семестр давомида баҳолаб бориш назорат жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

20. Модулнинг дастури мазмунини ўзлаштириш кредитни - таълим олувчиларнинг ўкув юклама ҳажмини аниқлашнинг шартли бирлигини қўллаган ҳолда белгиланади.

21. Тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълим муассасаларо Мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳар бир модул бўйича кредитлар сонини, шунингдек, ҳар бир курс ва умуман ўкиш даврини тамомлаш учун таълим олувчи томонидан тўпланиши лозим бўлган кредитларнинг умумий сонини белгилайди.

22. Таълим олувчилар мазкур Низомга мувофик модул дастури мазмунини ўзлаштирган (рейтинг баллари қоникарли) тақдирда, у тегишли модул бўйича кредитларнинг зарур сонини тўплаган деб ҳисобланади.

4-боб. Таълим олувчилар билимини назорат килин турлари ва шакллари

23. Таълим олувчиларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасини давлат таълим стандартлари, мутахассислик бўйича тиббиёт кадрларни клиник ординатура (резидентура), бирламчи мақсадли ихтисослаштиришда қайта тайёрлаш касбий тайёргарлик даражасига қўйилган талабларга мувофикалигини таъминлаш учун таълим муассасасида:

жорий, оралиқ ва якуний назорат(аттестация);

интеграциялашган клиник-олди (умумкасбий), клиник (маҳсус) имтиҳонлари;

битириувчиларнинг давлат имтиҳонларини дастлабки аккредитация билан ўтказиш (якуний давлат аттестацияси) назорат турларини ўтказниш орқали амалга оширилади.

Назорат (имтиҳон) шакллари - модул бўйича тест, имтиҳон (ёзма, оғзаки, амалий (клиник), объектив тизимлаштирилган клиник имтиҳон (OSCE), объектив тизимлаштирилган имтиҳон (OSE) ва бошқалар), магистрлик диссертацияси ҳимояси ва бошқалар.

24. Модулнинг назорат жадваллари, назорат турлари ва шакллари, назоратлар сони ҳамда жорий, оралиқ ва якуний назоратлар учун белгиланган баллар тўғрисидаги маълумотлар педагог ходим томонидан биринчи машғулотда таълим олувчиларга эълон қилинади.

25. Назорат турларини ўтказиш ва таълим олувчилар билимини баҳолаш тегишли кафедра (бўлим, лаборатория ва х.к.) мудири томонидан ташкил этилган педагоглар томонидан амалга оширилади.

26. Назорат турларини ўтказиш ва таълим олувчилар билимини баҳоланига келишув асосида бошқа ташкилотларнинг соҳа мутахассислари ҳам жалб қилиниши мумкин.

5-боб. Жорий назоратни ўтказиш

27. Жорий назорат таълим олувчининг модул мавзулари бўйича билими, амалий қўникмалар ва компетенцияларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули ҳисобланади. Жорий назорат таълим олувчи томонидан модул мавзуси мазмунини ўзлаштирганлик даражасини баҳолашга қаратилади, шунингдек, ўкув материалини конструктив равища шарҳлаш ва таҳлил қилиш, модулга оид қўникмаларини ривожлантириш, амалий қўникмалар (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаш, касбий амалий қўникмаларни қўллашга йўналтирилган муаммоли вазиятларни ҳал этиш (кейс-стади), жамоада ишлаш, презентациялар тайёрлаш ва х. к. ни баҳолашга қаратилади.

28. Модулнинг мазмунидан келиб чиккан ҳолда бир семестрда ўқитиладиган кундалик машғулотлар ёки бир-бирига баглиқ мавзулари кафедра (бўлим, лаборатория ва х.к.) томонидан блокларга бирлаштирилади ва уларни ўзлаштириш натижасида таълим олувчилар модул доирасида келгуси касбий фаолият учун зарур бўлган мустакил назарий билим, амалий қўникмалар ва компетенциялар мажмуига эга бўлишлари шарт.

29. Модулнинг кундалик машғулотлар ёки ҳар бир блок мавзуси доирасида жорий назорат семинар, ўкув(клиник) амалиёти, назарий, амалий ва лаборатория машғулотларида, одатда, куйидаги шаклларда ўтказилади: оғзаки сўров (мантикий муаммоли саволларни қўллаган ҳолда), тақдимот (модулнинг тегишли мавзуси бўйича кичик-гурухлар доирасида), касбий амалий қўникмаларни қўллашга қаратилган муаммоли вазиятларни ҳал этиш (кейс-стади), жамоада ишлаш (замонавий интерфаол услубларни қўллаган ҳолда ва х.к.), модулга оид муаммоларни таҳлил қилиш, амалий (шу жумладан клиник) қўникмаларини (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ўзлаштириш, компетенцияларни эгаллаш ҳамда кафедра (бўлим, лаборатория ва х.к.) томонидан белгиланадиган бошқа шаклларда ўтказилади. Жорий назорат шакллари модулнинг дастурида қайд этилади.

30. Модулнинг кундалик машғулотлари бўйича ҳар куни ёки ҳар бир мавзулар блоки ўқитиладиган охирги куни педагог ходим жорий назоратни якунлайди ва ушбу назорат тури бўйича таълим олувчиларнинг балларини қўяди. Бунда, кундалик баҳолаш ёки ҳар бир модул мавзулари блоки бўйича таълим олувчи олган баҳолар йигиндиси машғулотлар сони ёки мос равища, модул блоклари сонига бўлинади ва семестр давомида тўпланган жорий назорат баҳоси аниқланади. Семестрдан-семестрға ўтувчи модуллар бўйича ҳар бир семестрда тўпланган жорий назорат ўртacha баҳоларнинг йигиндиси

семестлар сонига бўлиш оркали модулнинг ўртача жорий назорат баҳоси аниқланади.

31. Жорий назорат учун ўқитувчи журналлари (электрон журнал) ўкув бўлими (бошкармаси) томонидан тайёрланади, бўлим (бошкарма) бошлиги томонидан тасдиқланади ҳамда тегишли ўкув йили бошланишидан олдин тегишли кафедра (бўлим, лаборатория ва ҳ.к.)ларга тақдим килинади.

32. Жорий назорат натижалари кундалик машгулотларин ёки ҳар бир модул мавзулари блоки бўйича алоҳида равинида педагогнинг электрон журналида ҳамда таълим оловчи рейтингини ҳисобга олиш электрон тизимида тегишли педагог ҳодим томонидан таълим муассасаларининг ўкув ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари (проректор, филиал директори ўринбосарлари ва ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари директорларининг ўкув ишлари бўйича ўринбосарлари) томонидан белгиланадиган муддат ичидаги оралиқ назорат даври бошлангунга қадар киритилиши шарт. Ўкув ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари (проректор, филиал директори ўринбосарлари ва ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари директорларининг ўкув ишлари бўйича ўринбосарлари)нинг билдиригисига асосан муддатни бузган педагог ҳодимга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари кўлланиши мумкин. Модул бўйича жорий назоратнинг натижаси педагог ҳодим томонидан имзоланадиган (гайёрлангани электрон) қайднома кўринишида шакллантирилади.

33. Жорий назорат натижаларининг ўз вақтида таълим муассасалари ўкув бўлимлари ва деканатларига тақдим этилиши, шунингдек, ўқитувчи журнали ҳамда таълим оловчилар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизимида уни тўлиқ ва тўғри акс этириш учун жавобгарлик тегишли модулни ўқитадиган педагог ҳодимлар зиммасига юкланди.

34. Кундалик машгулотларда ёки модул мавзулари блоклари бўйича жорий назоратни ўз вақтида топшира олмаган ҳамда дарсда қатнашмаган таълим оловчиларга, жорий назоратни ўкув семестри давомида қайта топширишга руҳсат этилади.

35. Жорий назоратни тўлиқ ўзлаштирган таълим оловчилар оралиқ ва яқуний назоратга кўйилмайди.

6-боб. Оралиқ назоратни ўтказиши

36. Оралиқ назорат семестр давомида ёки семестрдан-семестрга ўтувчи яқунланмаган модул дастурининг тегишли (модулнинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугагандан кейин таълим оловчининг билим даражасини баҳолаш ва амалий кўникмани (сифати ва белгиланган сони жихатдан) ва компетенцияларни эгаллаганлигини аниқлаш усули ҳисобланади ва ўкув машгулотлари давомида ўтказилади.

37. Оралиқ назорат таълим оловчи томонидан модул дастурининг тегишли бўлиmlари мазмунини ўзлаштириш даражаси, таълим оловчининг адабиётлардан фойдаланиши, касбий амалий кўникмаларни кўллашга қаратилган муаммоли вазиятларни ҳал этиш (кейс-стади), тизимли таҳлил,

мантикий фикрлаш, мустакил талқыкот олиб боринш, амалий күнікмани (сифати ва белгіланған сони жиҳатдан) ва компетенцияларни әгаллаганлыгини, ўз фикрларини изчил ва аник баён қилиш қобилятини баҳолашга қаратылған.

38. Педагог ходимлар оралиқ назорат натижаларини ўкув бўлимига топшириши ва таълим оловчилар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизими ҳамда ўқитувчи (электрон) журналига киритиши шарт.

39. Тегишли педагог ходим томонидан таълим муассасаларининг ўкув ишлари бўйича раҳбар ўринbosарлари (проректор, филиал директори ўринbosарлари ва ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари директорларнинг ўкув ишлари бўйича ўринbosарлари) томонидан белгиланадиган муддат ичидан, якуний назорат даври бошлангунга қадар киритилиши шарт. Ўкув ишлари бўйича раҳбар ўринbosарлари (проректор, филиал директори ўринbosарлари ва ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари директорларнинг ўкув ишлари бўйича ўринbosарлари)нинг билдиргисига асосан муддатни бузган педагог ҳодимга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари кўлланиши мумкин. Модул бўйича оралиқ назоратнинг натижаси педагог ҳодим томонидан имзоланадиган (тайёрланган электрон) кайднома кўринишида шакллантирилади.

40. Оралиқ назорат жадваллари ўкув режа асосида ўкув бўлими томонидан тузилади ва ўкув ишлари бўйича раҳбар ўринbosарлари (проректор, ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари директорларнинг ўкув ишлари бўйича ўринbosарлари, филиал директори ўринbosарлари) томонидан тасдиқланади.

41. Оралиқ назорат шакли ва муддати модулнинг хусусиятидан келиб чикиб тегишли кафедра (бўлим, лаборатория ва х.к.) томонидан белгиланади.

42. Оралиқ назорат топшириклари тегишли кафедра (бўлим, лаборатория ва х.к.) педагоглари томонидан ишлаб чиқилади ва мазкур раҳбарият томонидан тасдиқланади.

43. Таълим оловчи модул бўйича якуний назорат тури ўтказилған муддатга қадар оралиқ назорат турини топширган бўлини шарт.

44. Таълим оловчи узрли сабабларга кўра оралиқ назорат турига кирмаган тақдирда ушбу таълим оловчи тегишли назорат турини қайта топширишга факультет деканининг фармойиши асосида рухсат берилади.

45. Оралиқ назорат турини топширмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳо олган таълим оловчи якуний назорат турига киритилмайди.

46. Оралиқ назорат ўтказиш белгиланған муддатда модул бўйича оралиқ назоратга кўйилмаган ва қониқарсиз баҳо олган таълим оловчи, академик қарздор ҳисобланади, унга янги семестр бошида бир ой давомида академик қарздорликни бартараф этиш учун қайта топширишга рухсат берилади.

7-боб. Якуний назоратин ўтказини

47. Якуний назорат муайян модул бўйича таълим олувчилар томонидан назарий билимларини ўзлаштириш, амалий кўникмалар (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаганлик даражасини баҳолаш усули ҳисобланади ва семестр ёки модул якунида ўтказилади.

48. Якуний назорат таълим олувчининг модул дастури мазмунини ўзлаштирганлик даражаси, унинг мантикий фикрлаши, модулга оид билимларни назарий ва амалий жиҳатларини ўзлаштириш, амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллаш, касбий амалий кўникмаларни қўллашга қаратилган муаммоли вазиятларни (кейс-стади) ҳал этиши, тизимли, танкидий таҳлил қила олиши, далилларга асосланган тиббиётни қўллашда ўз фикрларини изчил ва аниқ баён қилиш қобилиятларини баҳолашга қаратилган.

49. Якуний назорат шакли ва муддати модулнинг хусусиятидан келиб чикиб тегишли кафедра (бўлим, лаборатория ва х.к.) томонидан белгиланади ва таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланади.

50. Якуний назорат учун тайёрланган топшириклар, коида тариқасида, тегишли кафедра (бўлим, лаборатория ва х.к.) педагоглари томонидан модул доирасида ўтилган мавзуларни қамраб олган ҳолда тайёрланиши лозим ва таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланади.

51. Якуний назоратни ўтказиш ўкув ишлари бўйича раҳбар ўринbosарлари (проректор, филиал директори ўринbosарлари ва ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари директорларнинг ўкув ишлари бўйича ўринbosарлари) томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади.

52. Аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларнинг тасдиқланган рўйхати таълим муассасаси таркибий бўлинмалари эътиборига етказилади.

Якуний назоратни ўтказишида келишув асосида бошқа таълим муассасаларининг тегишли модул бўйича педагоглари жалб килиниши мумкин.

53. Якуний назоратга педагог ҳодимнинг сабабсиз келмаслиги (ёки кечикиб келиши) уларга нисбатан интизомий чораларни қўллашга асос бўлади. Келмаган педагог ҳодимнинг алмаштириш мажбурияти тегишли кафедра мудири з иммасига юклатилади.

54. Таълим олувчилар якуний назорат ўтказилаётган аудиторияга фактати таълим олувчилар гувоҳномаси ёки шаҳсини тасдиқловчи бошқа хужжатни тақдим этганларидан сўнг киритилади.

55. Имтиҳон жадвалида белгиланган назорат (имтиҳон) вакти расман бошлангандан сўнг келган таълим олувчилар унда иштирок этишга қўйилмайди. Кечикиб келишнинг сабаби узрли деб топилганда, таълим олувчи аудитория раҳбарининг розилиги билан киритилиши мумкин.

56. Якуний назорат ўтказилаётган аудиторияга имтиҳон комиссияси аъзолари, аудитория раҳбари ва кузатувчилардан бошқа шахсларнинг кириши катъиян тақиқланади. Якуний назорат ўтказиш жараёни ректор

(директор), ўкув ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари (проректор, филиал директори ўринбосарлари ва ўрга маҳсус профессионал таълим муассасалари директорларнинг ўкув ишлари бўйича ўринбосарлари)ҳамда факультет деканлари (ўрга маҳсус профессионал таълим муассасаси бўлим бошликлари) томонидан назорат қилиб турилиши мумкин.

57. Назорат (имтиҳон) ўтказилаётган модул бўйича кафедра (бўлим, лаборатория ва х.к.) мудири якуний назорат имтиҳонининг бориши, хусусан, тегишли педагог ҳодимларнинг ўз мажбуриятларини бажариши устидан назоратни амалга оширади.

58. Якуний назорат ўтказишга масъул педагог ҳодимларнинг мажбуриятлари:

таълим оловчиларни якуний назорат бошланишидан аввал уни ўтказни тартиби ва давом этиш вақти ҳакида хабардор килиш;

таълим оловчиларнинг мобил телефонларини ўчиришлари ва топширишларини таъминлаш;

таълим оловчиларга якуний назорат давомида фойдаланиш тақиқланган барча предметларни кузатувчиларга ўз ихтиёрлари билан топширишларини таклиф этиш;

таълим оловчиларни аудиторияда бир-бирларидан кўчиришлари ва ўзаро гаплашиш учун имкон бўлмайдиган ҳолда жойлаштириш;

якуний назорат ўтказилаётган тўлик вақт давомида тартибга лозим даражада риоя қилинишини таъминлаш;

зарур бўлганда таълим оловчиларга кайд этилган иоаникликлар, техник хатолар ёки тонширикни бажариниша кўйиладиган маҳсус талаблар ҳакида маълумот бериш;

якуний назорат ўтказиш қоидаларини бузган таълим оловчиларни тегишли далолатнома тузган ҳолда имтиҳондан четлаштириш.

59. Якуний назорат ўтказиш давомийлиги таълим муассасасининг ўқув-услубий бўлими ва факультет деканати (ўрга маҳсус профессионал таълим муассасаси бўлим бошликлари) томонидан белгиланади. Назорат (имтиҳон) вақти аудитория раҳбари томонидан йўл-йўрик берилган вақтдан бошланади.

60. Якуний назорат ўтказиш вақтида таълим оловчиларнинг имтиҳон топширикларининг мазмуни тўғрисидаги мурожаатлари кўриб чиқилмайди.

61. Якуний назорат таълим оловчи томонидан мустакил равишда бажарилиши ва топширилиши шарт.

62. Якуний назорат имтиҳонига таълим оловчи ўрнига бошка таълим оловчи ёки бошқа шаҳс кирган ҳолатлар аниқланганда, таълим оловчига нол рейтинг бали қўйилиб, таълим муассасасининг ички тартиб қоидаларига мувоғик жавобгарликка тортилишига асос бўлади.

63. Бир кунда биттадан ортиқ модул бўйича якуний пазорат тури ўтказилишига йўл қўйилмайди. Якуний назорат турларини ўтказиш камидан 2 кун оралиғида белгиланиши лозим.

8-боб. Назоратнинг объективлигини таъминлаш

64. Назорат турларини ўтказиш бўйича тузилган топшириқларнинг мазмуни таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини шаффоф, ҳолис (объектив) ва аник баҳолаш имкониятини бериши шарт.

65. Жорий, оралиқ ва якуний назорат топшириш рейтинг (ёки электрон) қайдномалари ўқув бўлимига белгиланган муддатларда тақдим қилиниши (расмийлаштирилиши) керак.

66. Кафедра (бўлим, лаборатория ва ҳ.к.)нинг педагог ходимлари жорий назоратни ўтказиш даврида таълим олувчилар билими, амалий кўнилмалар ва компетенцияларни ҳолис ва объектив баҳолашлари, оралиқ ва якуний назоратларни ўтказиш жараёнида имтиҳон комиссияси таркиби га киритилган аъзолар томонидан адолат ва шаффофлик мезонларини таъминланиши кафедра (бўлим, лаборатория ва ҳ.к.) мудири, факультет деканлари, ўқув ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари (проректор, ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари директорларнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари, филиал директори ўринбосарлари) томонидан доимий равишда назорат қилиб борилади.

67. Жорий назорат натижалари кундалик ёки блокли модуллар бўйича назорат ўтказилган куни, оралиқ ҳамда якуний назорат натижалари икки кун муддат ичида таълим олувчилар эътиборига етказилади.

68. Баҳолаш жараёнида ноҳолислик ва субъективликка йўл кўйган педагог ходимларга нисбатан ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари (проректор, ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари директорларнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари, филиал директори ўринбосарлари) тақдимномасига кўра интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

69. Факультет деканати (ўрта маҳсус профессионал таълим муассасаси бўлими)

ва кафедра (бўлим, лаборатория ва ҳ.к.) текширилган объектив структуралаштирилган (клиник) имтиҳон (ОСИ/ОСКИ) баҳолаш ва рақаларини, ёзма ишлар билан танишиш учун таълим олувчиларга имкон яратиб беради. Таълим олувчи кўйилган баллдан норози бўлса, ўз иши билан танишгандан сўнг бир сутка давомида (жорий назорат натижасидан норози бўлганда — жорий назорат натижаларидан хабардор бўлган вақтдан бошлаб бир сутка давомида) факультет декани (ўрта маҳсус профессионал таълим муассасаси бўлим бошлиғи) номига апелляция шикоятини бериши мумкин. Аппеляция шикоят аризаси тушган кундан бошлаб 3 кун ичида кўриб чикилиб, хулоса берилади.

70. OSE/OSCE имтихонини баҳолаш ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Тест имтиҳони компьютер воситасида маҳсус ўрнатилган электрон дастурда амалга оширилади ва тест натижаси тест якунланган сўнг таълим олувчи эътиборига етказилади.

71. Таълим муассасасида назорат турларини ўтказилиши тегишли таълим муассасасининг таълим сифатини назорат қилиш бўлими (ҳодими)

томонидан доимий равища ўрганиб борилади. Бунда назорат турларини ўтказилиш тартиби ва объективликни бузилиш ҳолатларида, ўтказилган назорат турларининг натижалари бекор қилиниши ҳамда тегишли назорат тури қайтадан ўтказилиши мумкин.

9-боб. Таълим оловчилар билимини баҳолаш тартиби ва мезонлари

72. Таълим оловчининг ҳар бир модул бўйича ўзлаштириш даражаси таълим оловчиларнинг билим, малака, қўникма ва компетенцияларини баҳолашнинг “100 баллик” баҳолаш тизими орқали амалга оширилади, бутун сонлар билан баҳоланади ва назорат турлари йигиндисининг ўртача баллини рейтинг тизимига конвертация қилиш асосида балларда акс эттирилади.

73. Бир семестр давомида якунланувчи модул бўйича жорий ва якуний назорат турлари ўтказилади ҳамда назорат турлари йигиндисини иккига бўлиш орқали таълим оловчининг ўртача баҳоси аниқланади, ўртача баҳо конвертация қилиш орқали рейтинг балли хисобланади.

74. Икки ва ундан ортиқ семестр давом этувчи модулларда жорий, семестрдан-семестрга ўтишда синов шаклида оралиқ ҳамда модул якунида якуний назорат ўтказилади. Барча семестрлардаги жорий назоратларининг ўртача балли, оралиқ ва якуний назорат баҳоларининг йигиндисини учга бўлиш орқали таълим оловчининг модулни ўзлаштириш ўртача баҳоси конвертация қилиш орқали рейтинг балли хисобланади.

75. Жорий, оралиқ ва якуний назоратларни баҳоланида ҳамда мос равища модулни ўзлаштириш рейтинг кўрсаткичини аниқлашда таълим оловчининг назарий билимлари, амалий қўникмалари ва компетенциялари кўйидаги мезонлар асосида аниқланади:

a) “5” (аъло), A, рейтинг бўйича 86 — 100 балл олиши учун таълим оловчи:

модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чукур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;

терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равища ифодалashi;

муаммоли саволларни аниклани, ўз карашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;

модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичida илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;

ностандарт вазиятларда муаммоларни мустакил ва ижодий ҳал кила олиш қобилиятини кўрсата олиши;

амалий қўникмаларни мустакил равища тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;

амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равища ҳал этиши;

модул дастурида тавсия этилган асосий ва кўшимча адабиётларни тўлиқ ва чукур ўзлаштириши;

үрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар мөхиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютукларини қўллай олиши;

семинар, назарий, амалий ва лаборатория машғулотларида бутун семестр мобайнида ижодий ва мустакил қатнашиши, гурухли мухокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юкори маданият даражасига эга бўлиши лозим;

б) “4” (жуда яхши), В, рейтинг бўйича 81 — 85 балл олиши учун таълим олувчи:

модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чукур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;

терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аник, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;

ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаникликларни мустакил бартараф эта олиши;

модулнинг таянч тушунчаларини билиши, кисқа вакт ичидаги илмий ва касбий вазифаларни кўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;

стандарт вазиятларда муаммоларни ўкув дастури доирасида мустакил ҳал қила олиши;

амалий кўнималарни мустакил равишда тўлик бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлик эгаллаши;

амалий машғулотларда норматив-хукукий хужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;

модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;

ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар мөхиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;

семинар, назарий, амалий ва лаборатория машғулотларида бутун семестр мобайнида ижодий ва мустакил қатнашиши, гурухли мухокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;

в) “4” (яхши), С, рейтинг бўйича 71 — 80 балл олиши учун таълим олувчи:

модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чукур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан;

терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аник, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;

ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаникликларни мустакил бартараф эта олиши;

модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичидаги илмий ва касбий вазифаларни қўйини ҳамда ҳал килишда ундан унумли фойдаланиши;

стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустакил ҳал қила олиши;

амалий қўникмаларни мустакил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан;

амалий машғулотларда норматив-хукукий хужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;

модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;

ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга таққидий баҳо берини;

семинар, назарий, амалий ва лаборатория машғулотларида бутун семестр мобайнида ижодий ва мустакил катнашиши, гурухли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;

г) “3” (қониқарли), Д, рейтнинг бўйича 60 — 70 балл олиши учун таълим оловчи:

давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;

терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айrim хатоларга йўл қўйиши;

жавоб беришга ёки айrim маҳсус қўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;

амалий қўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустакил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;

компетенцияларни мустакил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши;

модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлишини ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;

педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;

ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;

семинар, назарий, амалий ва лаборатория машғулотларида педагог ходим раҳбарлигига қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;

д) “3” (ўрта), Е, рейтнинг бўйича 55 — 59 балл олиши учун таълим оловчи:

давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши;

терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айrim қўнол хатоларга йўл қўйиши;

жавоб беришга ёки айрим маҳсус кўникмаларни намойиш килишда қийналганда ва ҳатоларга йўл кўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;

амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жихатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;

компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши;

модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандартг (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;

педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;

ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;

семинар, назарий, амалий ва лаборатория машғулотларида педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;

е) таълим олувчининг билим даражаси “2” (қониқарсиз), F_X, рейтинг бўйича 31 — 54 балл деб баҳоланади, агар:

давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида факат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;

илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беринда жиддий мантикий ҳатоларга йўл кўйса;

семинар, назарий, амалий ва лаборатория машғулотларида пассив катнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса;

амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз ҳатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.

ж) таълим олувчининг билим даражаси “2” (мутлоқ қониқарсиз), F, рейтинг бўйича 0-30 балл деб баҳоланади, агар:

давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида факат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;

терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беринда жиддий ва қўпол мантикий ҳатоларга йўл кўйса ёки умуман жавоб бермаса;

семинар, назарий, амалий ва лаборатория машғулотларида пассив катнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса;

амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз ҳатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.

76. Таълим олувчилар рейтингини ҳисобга олишда алоҳида баҳоланади: ишлаб чиқариш (малака) амалиёти, курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий иши, интеграцияланган клиник (маҳсус) ва клиник-олди (умумкасбий) имтиҳони, битирувчиларнинг (модуллараро) давлат имтиҳони (якуний давлат аттестацияси), шунингдек, магистратура босқичида илмий-тадқикот ва илмий-педагогик ишлар ҳамда магистрлик диссертацияси.

77. Модуллар бўйича таълим олувчи рейтингги қўйидағича аникланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи	Баҳо	Таърифи
86-100	A	"аъло" – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	5	аъло
81-85	B	"жуда яхши" – ўргадан юқори натижа, айрим ҳатоликлар билан	4	яхши
71-80	C	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан		
60-70	D	"қониқарли" – суст натижа, қўпол камчиликлар билан	3	қониқарли
55-59	E	"ўрта" – минимал натижага тенг		
31-54	FX	"коникарсиз" – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	2	коникарсиз
0-30	F	"мутлоқ коникарсиз" – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим		

78. Битирувчиларни давлат имтиҳони (якуний давлат аттестацияси)га киритилиши учун таълим олувчи белгиланган кредитларни тўлиқ йиғиши, шу билан биргаликда рейтинг дафтарчанинг "Амалий кўнималарни ва компетенцияларни ўзлаштириш дафтарчаси" иловасида барча амалий кўнималарни сифат ва сон жиҳатдан, компетенцияларни тўлиқ бажарган бўлиши лозим.

79. Таълим олувчининг кейинги курсга ўтиш шарти сифатида жорий, оралиқ ва якуний назоратлардан академик карздорликнинг йўклиги билан бир каторда ишлаб чиқариш (малака) амалиёти ва интеграциялашган клиник-олди (умумкасбий) ва клиник (маҳсус) имтиҳонларидан ижобий баллни олиши ҳисобланади.

80. Ишлаб чиқариш (малака) амалиёти бўйича имтиҳонни ташкил килиш ва ўtkазиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

10-боб. Назоратларни қайта тошириши тартиби ва ўтказиш муддатлари

81. Жорий назоратлардан коникарсиз баҳо олган ва ўз вактида топширмаган таълим олувчига педагог ходим, кафедра (бўлим, лаборатория ва ҳ.к.)мудири ва факультет деканати назоратида оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилиши давригача қайта тоширишига рухсат берилади.

82. Ўкув машгулотларида ҳужжат билан тасдиқланған узрли сабаблар туфайли (бетоблик, йўл-транспорт ҳодисаси, яқин кариндошининг вафоти, никоҳ тузиш, фарзанд туғилиши) иштирок этмаган, ва шу сабабли оралиқ ёки якуний назорат, интеграциялашган клиник-олди (умумкасбий) ва клиник (маҳсус) имтиҳонларини белгиланған муддатда топширмаган таълим оловчига ўкув ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари (проректор, ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари директорларнинг ўкув ишлари бўйича ўринбосарлари, филиал директори ўринбосарлари) билан келишилган ҳолда ўкув бўлими бошлиғи томонидан қайта ўзлаштириш учун академик қарздорлар учун бериладиган бир ойлик муддатда оралиқ, якуний назорат ёки интеграциялашган клиник-олди (умумкасбий) ва клиник (маҳсус) имтиҳонларини топниришига рухсат берилади.

83. Таълим оловчи семестрда жорий назоратнинг ҳар бир тури бўйича ҳамда оралиқ ва якуний назорат турлари, интеграциялашган клиник-олди (умумкасбий) ва клиник (маҳсус) имтиҳонларининг ҳар биридан умумий баллининг 54 фоизидан (қониқарсиз) кам тўплаган бўлса **академик қарздор хисобланади**.

84. Агар таълим оловчи семестрда жорий назоратнинг ҳар бир тури бўйича ҳамда умумий баллининг 54 фоизидан (қониқарсиз) кам тўплаган бўлса, оралиқ, яқуний назорат ёки интеграциялашган клиник-олди (умумкасбий) ва клиник (маҳсус) имтиҳонларига киритилмайди.

85. Академик қарздор таълим оловчиларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш, яъни тегишли назорат турини қайта топшириш орқали академик қарздорликни бартараф килиш учун бир ой муддат берилади. Академик қарздор учун қайта топширишининг аниқ муддатлари факультет деканатлари (ўрта маҳсус профессионал таълим муассасаси бўлимлари) томонидан белгиланади.

86. Жорий назоратни қайта топшириш кафедра (бўлим, лаборатория ва х.к.) томонидан ташкил қилиниши шарт.

87. Қайта топшириш натижалари алоҳида қайднома тарзида қайта ўзлаштириш учун бериладиган бир ойлик муддатда ўкув бўлими ва факультет деканатлари (ўрта маҳсус профессионал таълим муассасаси бўлимлари)га топширилиши шарт.

